

YIMUSOQ OD TUMAN HOKMATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLAR
RO'YXATDAN O'TKAZI
INSPEKTSIYASI

RO'YXATGA OLINI

20 11.15.09 N 16690



«ТАСДИҚЛАНГАН»
Акциядорларнинг навбатдан
ташқари умумий
йиғилиши қарори билан



[Signature]
Акциядорлар умумий
йиғилиши Раиси
2011 йил 10 сентябрдаги
баённома

**«NBU INVEST GROUP»
Очик акциадорлик жамиятининг
Устави**

(Янги тахрир)

1-МОДДА

ЖАМИЯТНОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА ЮРИДИК МАҚОМИ

1.1. Жамиятнинг тўлиқ номи:

- рус тилида: Открытое акционерное общество «NBU Invest Group»;
- ўзбек тилида: «NBU Invest Group» Ochiq aksiyadorlik jamiyati;
- инглиз тилида: «NBU Invest Group» Open Stock Joint Company.

Қисқартирилган номи:

- рус тилида: ОАО «NBU Invest Group»;
- ўзбек тилида: «NBU Invest Group» OAJ;
- инглиз тилида: «NBU Invest Group» OSJC.

1.2. Жамиятнинг почта манзили ва юридик жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 101.

1.3. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Устав асосида олиб боради.

1.4. Жамият ўзи тасдиқлайдиган низомлар асосида иш юритувчи филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

1.5. Жамият юридик шахс ҳуқуқига эга шўъба ва тобе Жамиятларга эга бўлиши мумкин. Жамият билан шўъба ёки тобе. Жамиятлар ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан тартибга солинади.

1.6. Жамият ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга, ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган юмалоқ муҳрга эга.

1.7. Жамият ўз номи ва жойлашган манзили ёзилган штамплар ҳамда бланкларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

1.9. Ушбу Уставда регламентланмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2-МОДДА

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА СОҲАСИ

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида фойда олиш учун ҳар қандай қонуний инвестиция фаолиятини, шунингдек у билан боғлиқ хизматларни амалга оширишдан иборат.

2.2. Жамият фаолиятининг предмети қуйидагилардан иборат:

- инвестиция хизматлари кўрсатиш;

- қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг, савдо-воситачилик, маслаҳат, брокерлик хизматлари кўрсатиш;
- ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар чиқариш, қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш, қимматли қоғозларни сотиб олиш-сотиш;
- депозитар хизматлар;
- мижозларнинг активларини бошқариш ва инвестиция фондларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг хусусий ва акциядорлик корхоналарига инвестициялаш учун хусусий хорижий сармояни жалб этиш;
- маҳаллий эмитентларнинг акцияларини халқаро фонд биржаларида жойлаштириш;
- Жамиятларга қўшиб юбориш ва сингдириб юбориш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- корхоналарни хусусийлаштириш ва реструктуризациялашда қатнашиш;
- баҳолаш фаолияти;
- венчур инвестициялар;
- бизнес-режалаштириш ва молиявий таҳлил хизматлари;
- ахборот ва маркетинг хизматлари кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари.

Шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

3-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ САРМОЯСИ ВА АКЦИЯЛАРИ

3.1. Жамиятнинг Устав сармояси номинал қиймати 125 000 (бир юз йигирма беш минг) сўмлик, умумий қиймати 32 044 250 000 (ўттиз икки миллиард қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этиб, мол-мулк, қимматли қоғозлар ва пул маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган, жами 256 354 икки юз эллик олти минг уч юз эллик тўрт дона оддий, эгасининг номи ёзилган, нақдсиз акциялардан иборат.

3.2. Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори 200 000 000 000,0 сўм бўлган, номинал қиймати 125 000 сўмлик 1 600 000 дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялардан иборат.

3.3. Оддий эгаси ёзилган нақдсиз акциялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг эгаси дивиденд олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Жамият тугатилган тақдирда, акциядор Жамият мол-мулкнинг бир қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқига эгадир.

3.4. Жамият Устав сармоясига ўз ҳиссаси сифатида киритилган мол-мулкнинг бозор қиймати, улар киритган ҳиссани ҳолатига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил баҳоловчилар томонидан аниқланади.

3.5. Жамият томонидан чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

3.6. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси Жамият акцияларининг харид қийматини тўлиқ тўлаганидан кейин ушбу Уставдан келиб чиқувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятларни риоя қилади ва мазкур вақтдан бошлаб "Акциядор" деб номланади.

3.7. Жамият Устав сармоясини шакллантиришнинг энг кўп муддати, эмиссия давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим.

3.8. Акциялар қийматини тўлаш учун бадаллар қуйидаги шаклларда киритилиши мумкин:

- пул маблағлари (Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда ва хорижий валюта) кўринишида;
- турли хил мол-мулк кўринишида;
- қимматли қоғозлар.

3.9. Акциялар олди-соттисининг тўлови сифатида келиб тушадиган пул маблағлари Жамиятнинг ҳисоб варағига киритилади. Хорижий валютадаги пулли бадаллар Жамиятнинг Устав сармоясига таъсис улуши сифатида киритилганда, валютанинг амалиёт кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмга нисбатдан белгиланган миқдорда ҳисобга олинади. Таъсис улуши сифатида киритилган валюта маблағлари Жамиятнинг валюта ҳисоб варағига ўтказилади.

3.10. Жамият ўзининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаши учун акциялар чиқариши мумкин эмас.

4-МОДДА

УСТАВ САРМОЯСИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Устав сармоясини кўпайтириш

4.1. Жамият Устав сармоясини акциялар номинал қийматини ошириш, қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, шунингдек Жамиятнинг ушбу Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.2. Жамият томонидан чиқариладиган қўшимча акциялар, мазкур Уставнинг 3.2 бандида белгиланган, эълон қилинган акциялар сони ва умумий қиймати доирасида жойлаштирилиши мумкин.

4.3. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамиятнинг Устав сармоясини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча (оддий ва имтиёзли) акцияларнинг миқдори, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ, жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар учун Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

4.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамиятнинг Устав сармоясини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акциялар номинал қиймати

миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

б) Устав сармоясини камайтириш

4.5. Акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва сўндириш йўли билан Жамиятнинг Устав сармоясини камайтириш тўғрисидаги, шунингдек Жамиятнинг ушбу Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.6. Агар Устав сармоясини камайтириш натижасида унинг миқдори Жамиятнинг Уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган Жамият Устав сармоясининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, Жамият Устав сармоясини камайтиришга ҳақли эмас.

4.7. Устав сармоясини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши сармояни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартиби ва усулини белгилайди.

4.8. Устав сармояси камайтираётганда Жамият тугатиладиган ҳолатлар учун кўзда тутилган акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш шартларига риоя этилиши зарур.

5-МОДДА

ДАРОМАД (ФОЙДА), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият ўзининг хўжалик фаолияти натижасида олган фойда, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин Жамият мулки бўлиб қолади ҳамда Жамият фондларини яратиш ва амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга биноан акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун фойдаланилади.

5.2. Фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланиб, реинвестициялар амалга оширилганидан кейин Жамият ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми дивиденд ҳисобланади.

Жамият ҳар бир акция тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

5.3. Жамият Умумий йиғилишининг қарорига кўра, дивиденд пул маблағлари билан ёки бошқа қонуний тўлов воситалари орқали тўланиши мумкин.

5.4. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича оралик (чораклик, ярим йиллик) дивидендларни тўлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш шакли ҳақидаги қарорни Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилади.

5.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш шакли ҳақидаги қарорни Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилади.

5.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин.

эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.7. Акцияларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жойлаштирилмаган қисмига дивидендлар ҳисоблаб қўшилмайди.

5.8. Қуйидаги ҳолларда Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас:

- Жамиятнинг бутун Устав сармояси тўлиқ тўланмагунча;
- агар дивидендларни тўлаш вақтида унда ноқобиллик (банкротлик) белгилари бўлса ёки бундай белгилар Жамиятда дивидендлар тўланиши натижасида вужудга келса;
- агар Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг Устав ва Резерв фондлари суммасидан кам бўлса.

6-МОДДА

РЕЗЕРВ ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан қуйидагиларни ташкил этади:

- Резерв фонди;
- Жамият фаолияти учун зарур бошқа фондлар.

6.2. Жамиятнинг захира фонди қурилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш ва ушбу Уставга ва қонунчиликга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мулжалланади. Резерв фонди Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши мумкин эмас.

6.3. Резерв фонди Устав сармоясининг 15% ҳажмида шакллантирилади.

6.4. Жамият ҳар йили соф фойда суммасидан 5% миқдоридаги ажратмаларни Резерв фондини шакллантиришга йўналтиради. Ушбу ажратмалар, Резерв фонди мазкур Уставнинг 6.3-бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар амалга оширилади.

6.5. Агар Резерв фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ҳисобидан тикланади.

7-МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Акциядорлар:

- тегишли акциядорлик Жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- акциядорлик Жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлик Жамиятини бошқаришда иштирок этиш;